

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية التاليمية

SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



1/2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ



SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



Таҳрир кенгаши:

Абдуллаев Р.В.
(бош муҳаррир)
Махсудов Д.Р.
(масъул котиб)
Абдуҳалимов Б.А.
Акмалов Ш.И.
Аъзамхўжаев С.С.
Зоҳидов Қ.Т.
Исломов З.М.
Камилов К.С.
Мансуров А.Д.
Раҳимжонов Д.О.
Ҳасанов А.А.

Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев А.Ғ.
Абдуллаев А.Б.
Арипова З.
Валиев Б.Н.
Муҳамедов Н.А.
Остонақулов И.
Оқилов С.Х.
Содиқов З.
Турсунов Н.
Усмонов И.С.



Мундарижа

Сузбоши	3
<i>Таълим ва тарбия</i>	
Р.Абдуллаев. Еш авлод тарбиясига барчамиз масъулмиз.....	4
М.Аминова, М.Юлдашева. Оила – муҳим ижтимоий институт сифатида.....	7
А.Султанов. Развитие профессионального образования в Узбекистане в рамках проектов швейцарского управления по развитию и сотрудничеству.....	10
<i>Мозий ва алломалар мероси</i>	
С.Исмаилов, С.Каримова. Амир Темурнинг маънавий устози.....	13
Ж.Ахмедов. Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуаси.....	15
О.Давлатов. “Хайрат ул-аброр” дostonида меърож кечасининг тасвири.....	18
Э.Раҳжапов. 1917 – 1924-йилларда миллий ҳарбий кушин тузиш масаласининг матбуот нашрларида ёритилиши	21
О.Исаев. 1925 – 1941-йилларда Сурхон воҳасида ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихни тадқиқ қилишда архив материаллари аҳамияти	25
<i>Динишунослик (исломшунослик)нинг долзарб масалалари</i>	
К.Камилов. Диний тарғиботнинг интернет тизимида акс этишининг ўзига хос хусусиятлари	28
М.Алимова. Тасаввуфда пир ва мурид муносабатлари.....	31
А.Туйчибаев. Ислолда халқаро шартномаларни бажариш масаласи	36
Ж.Алиев. Диний омианинг геосиёсий жараёнлардаги инъикоси (христианлик тарихи мисолида)	39
Х.Сағдиев. Ислом илоҳиётида Алоҳни кўриш масаласи.....	42
<i>Фалсафий фанлар, филология ва психология</i>	
М.Ризаева. Некоторые аспекты психологических манипуляций	45
М.Клм (Шалаева). Цивилизационный срез диалогового пространства СНГ (философский контур).....	48
Р.Нурмамадова. Платон фалсафасида жоннинг абдийлиги масаласи	50
Н.Однбасков. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида хизматлар бозорининг ривожланиши	54
Н.Азизова. Тил тараққиётини белгилашнинг мезонлари ва «давлат тили» тушунчасининг мазмун-моҳияти	58
Н.Салямсакова. Маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатлари хусусида	62

1917 – 1924-ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ ҚЎШИН ТУЗИШ МАСАЛАСИНИНГ МАТБУОТ НАШРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиё хонликлари истило этилгач, империянинг мустабид сиёсати жамият ҳаётининг турли соҳалари қатори ҳарбий соҳани ҳам четлаб ўтмади. Узоқни кўзлаган бу ҳукумат маъмурияти маҳаллий миллат вакилларининг қўлларига қурол тутишини ҳамда ҳарбий таълим олишини истамаган, шунингдек, улар ҳарбий хизматга умуман жалб этилмаган, ҳаттоки кўнгилли сифатида аскар бўлишни ҳоҳловчи маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам рухсат берилмаган. Энг таҳқирли ҳолатлардан бири Туркистон эркаклари пичоқ тақиб юриш ҳам ман этилган. “Юз сарт бир рус солдатининг пошнасига арзимади” тарзидаги ҳақоратомуз иборалар ўша даврда мустабид амалдорларнинг “шиор”ига айланган. Чор ҳукумати амалдорларидан О. Гирсининг қуйидаги фикрларига эътибор беринг: “Ҳозирги вақт (1883 йил–Э.Р.)га келиб Туркистондаги туб ерли эркаклар сони 1 млн 150 минг кишини ташкил этиб, агар ҳар йили уларнинг мингтадан бештасини ҳарбий хизматга жалб этсак, 5750 кишини ташкил этади. Сафарбарликнинг дастлабки йилидаёқ мазкур кўрсаткич Туркистондаги қўшинларимизнинг 19,1 фоизини ташкил этади. 15 йил ичида эса ҳарбий хизматни ўтаган туб аҳоли сони 86250 тага ортади. Улардан бир пачтаси унтер-офицер ёки ҳарбий таълимни мукамал эгаллаган ҳарбий бўлиб етишиши ҳамда бизга қарши курашиши мумкин. Агар маҳаллий миллат вакиллари ҳарбий хизматга жалб эта олмасак, улардан ҳарбий хизмат эвазига тўлов олиш маъқулроқ. Туркистондаги маҳаллий аҳолидан ҳарбий хизмат эвазига ҳарбий солиқ олинса, йилига 3 млн. 125 минг рубл миқдоридан даромад олиш мумкин”¹. Қўринадик, ҳарбий соҳада ҳам чор Россияси ўта эҳтиёткорлик билан иш олиб борган ва манфаатдорлик масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Ушбу ҳолат нафақат миллий матбуот нашрларида, балки Туркистоннинг ўзида рус тилида нашр этилган “Украина”² газетасида ҳам ўз аксини топган. “Соқоли олинмаган, шинелда

¹ Гирс О. Отчетъ ревизующаго по высочайшему повелению Туркестанского край тайного советника Гирса // <http://oldbooks.ru/download>

² Украина–Туркистонда 1890 – 1898-йилларда рус тилида чиққан дастлабки кундалик газета бўлиб, муҳаррири ва ношири Н.В.Полтаранов эди. Ҳозирги кунда Алишер

Наманганлик сарт–Абдуқодир Абдуқодиров Тошкент полицияси томонидан тутиб келтирилади. У Абдуқодир пошо охуннинг ўгли бўлиб, Намангандан Тошкентга рядовой бўлиб ҳарбий хизмат қилиш учун кўнгилли сифатида яёв (эътибор беринг, Намангандан Тошкентгача!– таъкид бизники) келган. Ушанда у 20-21 ёшлар атрофида эди. Рус-тузем мактабида аъло даражада таълим олган ва рус тилини яхши билади. У дастлабки кўнгилли”³, – деган маълумотни келтиради.

Чор Россиясининг Туркистонда ҳарбий соҳада олиб борган ушбу сиёсати маҳаллий аҳолининг ҳарбий таълимдан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаслигига, ҳарбий хизматдан совшига, совет ҳокимияти даврида эса миллий қизил қўшин сафига киришдан бош тортиш даражасигача олиб келди.

Чор Россияси томонидан Туркистонда олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ва мустабид бошқарув усулини совет ҳокимияти “мерос” сифатида қабул қилиб олди. Совет маъмурияти тарафидан ҳарбий соҳада олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ўша давр миллий матбуот нашрлари ҳисобланган – “Улуғ Туркистон”⁴, “Иштирокиюн”⁵, “Қизил байроқ”⁶

Навойи номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Г-25 инвентар рақами билан сақланмоқда.

³ Украина, 1894 йил 9(21) февраль

⁴ “Улуғ Туркистон” – Тошкент шаҳрида ташкил топган зиёлиларнинг «Иттифоқ» жамиятининг нашри. 1917 йил 25 апрелдан Тошкент шаҳрида чиқа бошлаган. Газетага Содиқ Абдусатторов, Кабир Бакиров, П.Домогатский муҳаррирлик қилганлар. Жами 155 сони чиққан бўлиб, 137-сонидан бошлаб газетанинг охири саҳифаси кирилл имлоси (русча)да берилган. Шунингдек, газетанинг яна алоҳида 9 та илова сонлари ҳам нашр қилинган. Лазиз Азиззода, Мухтор Бакиров, Мустафо Чўқаев, Файзулла Хўжаев, Шерали Лапин, Шокиржон Раҳимий, Ғози Юнус, Абдурауф Фитрат, Нушервон Ёшев, Юсуф Халилий каби зиёлиларнинг мақолалари босилган. “Улуғ Туркистон” 1917 – 18-йилларда Туркистондаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларни ёритиб борган. Саҳифаларида янги тузила бошлаган миллий сиёсий жамиятлар, уларнинг ўзаро алоқа ва фаолиятлари, жамиятлар томонидан нашр қилинаётган газета ва журналлар, Туркистон мусулмонларининг қурултойлари, Туркистон мухторияти, большевикларнинг ўлкада олиб борган сиёсати ва бошқа материаллар ўрин олган. Газета 1918 йил Туркистон АССР ички ишлар комиссарлиги ихтиёрига ўтгач, 1918 йил ноябрда комиссар Ориф Клевлеевнинг буйруғи билан тўхтатилган.

⁵ “Иштирокиюн” – Туркистондаги мусулмон иштирокиюн (коммунист) ташкилотларининг бюроси ва миллий ишлар комиссарлигининг сиёсий ва ижтимоий мазмундаги нашри бўлиб, 1918 йил 20 июндан Тошкент шаҳрида чиқа бошлаган. Ҳозирда Алишер Навойи номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Г-62 ва Г-86 инвентар рақамлари билан сақланмоқда.

⁶ “Қизил байроқ” – Тошкентда 1920 йил 19 декабрдан чиқа бошлаган сиёсий-ижтимоий, адабий ва илмий газета. Газета

Автор по материалам местной прессы 1917-1924 гг. проанализировал вопросы создания национальной армии. В статье также освещены взгляды узбекской национальной интеллигенции и политических лидеров на данную тему.

The author in this article has analyzed military issues based on the materials of national press during 1917-1924. In the article it was also revealed views of Uzbek national intellectuals and political leaders on the topic.

“Туркистон” каби газеталарнинг доимий диққат марказида бўлди. Мазкур миллий матбуот нашрлари саҳифаларида Туркистонда миллий мусулмон полкларини ташкил этиш масаласидан тортиб, Туркистондаги ҳарбий таълимни ривожлантириш, маҳаллий миллат вакилларида мусулмон қўмондонлар тайёрлаш масаласи, миллий ҳарбий мактаблар очиб, улардаги мавжуд камчиликлар, маҳаллий мусулмон аҳоли орасидан малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши ҳамда 1924 йил миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилгунга қадар бўлган давр ораллигидаги миллий матбуот саҳифаларининг аксариятида совет ҳокимиятининг ўлка (Туркистон)даги ҳарбий сиёсати ҳолисона ва мафкуравий таъинлардан холи тарзда ёритилганлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбек миллий зиёлилари ҳамда раҳбарларидан Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Лазиз Азизода⁸, Ҳожи Муин⁹, Турор Рисқулов¹⁰, Файзулла Ҳўжаевлар¹¹ ўша давр матбуот саҳифаларида маҳаллий мусулмон аҳоли вакиллари аскарликка жалб этиш ва шу орқали улардан миллий мустақил қизил қўшин тузиш масаласи, маҳаллий миллат вакиллари қизил қўшин сафига жалб этиш жараёнини таҳлил қилиб совет ҳокимияти йўл қўйган хато ва камчиликларни кескин танқид остига олишган. Туркистон жадидаларининг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Биз аста-секин ўз миллий қўшинимизни тузишимиз лозим. Биз ўзимиз

намуналари бутунги кунда F-69 ҳамда F-101 инвентар рақами билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланмоқда.

⁷ “Туркистон” – сиёсий, ижтимоий руҳдаги газета бўлиб, 1922 йил 13 сентябрдан Тошкентда чиқа бошлаган. Газета ҳозирда F-69 инвентар рақами билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

⁸ Азизода Лазиз. Бугуннинг вазифаси // Бухоро ахбори. 9-сон. 1920 йил 22 ноябрь.

⁹ Ҳожи Муин. Аскарлик тўғрисида // Зарафшон. 1923 йил 21 июнь.

¹⁰ Т.Рисқулов. Шарқда қизил қўшин // Туркистон. 72-сон. 1923 йил 23 февраль.

¹¹ Ф.Ҳўжаев. Душманларимиз билсунлар // Бухоро ахбори 90-сон. 1922 йил 15 июль.

миллий қўшинимизнинг вазифасини, фаолият даражасини, турмушини ва ташқи кўринишини белгилаб оламиз”, – деган фикри Туркистон зиёлиларининг ҳарбий масалага оид қарашларини яққол ифодалайди¹².

1917 йил июль ойида Марказий мусулмон ҳарбий комиссарлиги жойлашган Қозон шаҳрида Бутун Россия мусулмонларининг умумий съезди бўлиб ўтди. Унда “Бутун Россия мусулмонларининг аскарий съезди” ва “Бутун Россия ислом уламолари съезди”нинг қўшма мажлиси иш кўрди. Мажлисга қўйилган масалалар қаторида миллий мухторият ва мусулмон аскарларидан айрим миллий фирқалар тузиш ҳақида қарор чиқарилди. Бу мажлисда кўрилган масалалар ҳақида “Улуғ Туркистон” газетаси шундай хабар беради: “Неча асрлардан буёнги эзилиб, энг тубан ўрунда турган мусулмон солдати бундан буён янгича турмуш билан яшаш бошламак. Ўзининг ерида, миллий полкинда, мусулмон бошлиқлари билан ўзининг она тилинда сўзлашиб хизмат этажак. Вақтида ўз устани юклатилган ибодатларин қилиб, мусулмонлар махсус (ҳалол) бўлгон ошларни ошаламак”¹³. Мазкур таклифдан сўнг жараён маҳаллий миллат вакиллари манфаатларига зид ўлароқ жадаллашди.

1917 йил сентябрь воқеаларидан сўнг Туркистон ўлкасига Россия ички губернияларидан ҳарбий кучлар келишининг янада кучайиши 1917 йил 18-24 октябрда бўлиб ўтган Туркистон мусулмон аскарларининг съезди сўнггида қуйидаги икки муҳим қарорнинг чиқарилишига сабаб бўлган:

1. Мусулмон роталарини айириб, алоҳида миллий батальон ташкил этиш;

2. Тошкентда 12 кишидан иборат бўлган Марказий Ҳарбий Шўро тузиш¹⁴;

Бу ҳақда “Улуғ Туркистон” газетасида қуйидагича хабар берилади: “1917 йил 15 ноябрда Тошкентда ишчи депутатларининг ижроия қўмиталари мажлисида Қозондаги марказий ҳарбий шўродан келган вакил тарафидан киритилган мусулмон солдатларининг ҳолларин яхшилаш тўғрисидаги ариза муносабати билан Тошкентда ташкил қилинган мусулмон батальони масаласи кўриб чиқилган. Қозондан келган вакил марказий ҳарбий шўронинг ушбу қарорини эълон қилган: “Ҳарбий шўро ўзининг 24 октябрда бўлган кичик мажлисида ҳукумат идорасининг

¹² Улуғ Туркистон, 1917 йил, 12 июнь.

¹³ Мусулмон солдати кунига ҳозирлик // Улуғ Туркистон. 30-сон. 1917 йил 2 октябр.

¹⁴ Туркистондаги аскарлар съезди // Улуғ Туркистон. 35-сон. 1917 йил 4 ноябрь.

демократия қўлини қўчганлик масаласин қараб ушбу қарорни берди: Исполнительный комитет аскарни сунъий равишда миллийлаштирув демократияга хилоф деб ҳамма мусулмон солдатлари орасинда ўз полкларина қайтувга жилагувчилар (ҳоҳловчилар – Э.Р.) борлигин баён этиб Тошкандаги мусулмон батальонин тарқатувга қарор берган. Шунинг ила баробарида мусулмон солдатларина бу батальондан ўзлари тилаган аскарый частларга қўшилурга ихтиёр берилган”.

Мазкур қарорга Тошкент мусулмон аскарлари ҳам ўз муносабатларини билдириб қўйидагиларни хабар қилганлар: “Биз мусулмон аскарлари Тошканд солдат ва ишчи депутатларнинг бошқарувчи комитетининг 15 ноябрда чиқарган қарорини мусулмон батальониндаги мусулмон солдатлари ўз тилаклари бирлан аввалги ўринларина қайтсунлар деб чиқарган қарорини музокара этиб жиюлиш (йиғилиш – Э.Р.) да бўлган 207 мусулмон солдат ушбу қарорга келдик: “Биз ҳеч бир вақтда аввалги ўринларимизга қайтиб бормаимиз. Советнинг айтуви бўйинча гўёки мусулмон солдатлари ўз тилаклари бирлан аввалги ўринларина қайтарилар экан. Биз мусулмон солдатлари ўз тилакларимиз ила миллий ва маданий амалларимизни вужудга чиқарув учун мусулмон батальонина ажралиб чиқдик. Биз чиққан ўринларимизга қайтиб боришга рози эмасмиз. Исполнительный комитетнинг айтувина кўра, мусулмон солдатларининг айрилувлари демократияга хилоф экан. Лекин биз ўз тарафимиздан айтамызки, инқилобнинг биринчи куниданоқ демократияга ҳар миллатга ўзи тилаганча турарга эрк берган эди. Биз мусулмон солдатлари ўзимизнинг миллий ва маданий ишларимизни вужудга чиқарув, айрим аскарый частларда мумкин эканлигини билиб туриб демократиянинг берган хурриятидан истифода қилуб айрилгонга исполнительный комитетнинг бу ишни демократиянинг фикрина хилоф деб билганлигимиздан аларни 15 ноябрда чиқарган қарорларина қатъий протест этамыз”¹⁵.

1917 йил октябрда Петроградда амалга оширилган давлат тўнтарыши натижасида Туркистонда ҳокимият зўрлик билан большевиклар қўлига ўтгач, Туркистондаги миллий сиёсий ташкилотлар ўз фаолиятини Тошкентда эмас, Қўқонда давом эттиришга мажбур бўлди. 1917 йил 26-28 ноябрь ўнклари Қўқон шаҳрида бутун Туркистон ўлка мусулмонларининг

¹⁵ Мусулмон батальони таратилув // Улуг Туркистон. 40-сон 1917 йил 23 ноябрь.

фавқулудда IV қурултойи бўлиб ўтди, унда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди¹⁶. Мухторият таркиби 8 кишидан иборат бўлиб, Мухториятнинг ҳарбий вазири лавозимини мутахассислигига кўра адвокат бўлган Убайдулла Хўжаев эгаллади. Мухториятнинг таянчи бўлган ҳарбий қўшин фаолияти “Улуг Туркистон”нинг бир неча сонларида агрофлича ёритиб берилган. Жумладан, “Мухторият ҳукумагининг вазифаси”, Мухтор Бакир ўзининг “Туркистон Мухторияти ва туркистонликлар”¹⁷, “Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак”¹⁸ каби мақолаларида Туркистон Мухторияти ҳукумати олдида турган асосий вазифалар сифатида мухториятнинг миллий армиясини шакллантириш, аскарый маҳкамалар ва ташкилотлар тузиш лозим деб ҳисобланган. “Мухторият ҳукумагининг вазифаси” номли мақолада “Муштабид чор ҳукумати вақтида Туркистонга четдан нақадар кўп қуруллик аскар келтурулиб турур эрди. Мухторият эълон қилинуб идора халқнинг ўз қўлига кўчув ила бу аскарларга эҳтиёж битди. Шуну эътиборга олиб бўлса керак ҳозир Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлгон аскарлар ҳар қайсиниси ўз ватанларига қайта бошладилар”, деб ёзса, “Туркистон Мухторияти ва туркистонликлар” номли мақолада эса “Мухторият ва истиқболни эълон қилув мушкул эмас. Лекин они ҳаётга татбиқ қилув ва ижро этув кўп тажриба ва билимни, фидокорликни истайди. Мухториятнинг эълон қилув билан туркистонликлар олдида ғоят улуг ва оғир бўлувчи ила баробар муқаддас ва масъулиятли кизматлар келуб турмақдадур. Мазкур вазифалар қаторида энг муҳим вазифалардан бири сифатида аскарый маҳкамалар ва ташкилотлар тузиш ва зобития ишларини тартиб эғиш эътироф этиб ўтилади”, – деган маълумотларни учратамыз.

Демак, Мухторият ҳукуматига хайрихоҳ бўлган ва ҳарбий соҳадан хабардор кишиларга Мухторият тарафидан алоҳида эътибор қаратилган. “Улуг Туркистон”нинг 1918 йил 21 январь сониди “Ушбу январнинг тўққизиди Хўқонда Туркистон Мухториятининг аскарини манъвр ясалган. Бир миң қадар аскар тузилган экан, ҳаммаси мулла Абдураззоқбойнинг боғига йиғилганлар. Ҳукумат назирларидан ҳарбия назир Убайдулла

¹⁶ Туркистон Мухторияти ва унинг фаолияти ҳақида батафсил қаранг: Агазмоджаев Сандақбар. История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент Ислам Университети. 2006.

¹⁷ Туркистон Мухторияти ва туркистонликлар // Улуг Туркистон. 45-сон. 1917 йил 20 декабрь.

¹⁸ Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак // Улуг Туркистон. 48-сон. 1917 йил 24 декабрь.

Ҳужаев ила молия нозири Ислоҳ Шоаҳмедов бориб аскарни табрик қилгонлар. Оташли нутқ сўзлагонлар. Бу манёврдан сўнг, нақ бир мингга яқин аскар йигилиб, ҳозир муваққат қарамоғида икки минг қадар мунтазам миллий армия бор экан”¹⁹ –деган маълумот келтирилади. Бундан шундай хулоса чиқадики, Мухторият масъул раҳбарлари энди оёққа тураётган давлатнинг таянчи бўла оладиган ўз миллий армиясини шакллантириш учун махсус тайёргарлик олиб боришган.

Туркистон Мухториятига қарши 1918 йилнинг 19-22 февраль кунлари уч кун давомида совет ҳокимияти томонидан кенг қўламдаги ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиб Мухторият қонга ботирилгач, совет ҳокимияти Туркистонда ўз бошқарувини янада мустақамлашга киришди. Бу жараёнда совет ҳокимияти ҳарбий соҳани назардан четда қолдирмай, балки биринчи навбатда бу томонни назорат остига олиб, Туркистонда ҳам қизил гвардиянинг маҳаллий қисмларини тузишни кун тартибига қўйди. Бу ҳақда “Иштирокиюн” газетаси саҳифаларида маҳаллий халқ вакилларини ҳам қизил гвардия сафларига жалб қилиш, бу борада олиб борилган ислоҳотлар, маҳаллий аҳолининг ушбу сафарбарликка муносабати атрофлича ёритилган. “Туркистон жумҳуриятида сафарбарлик эълон қилув тариқида аскарликка эълон чақирув ҳақида” номли мақолада мобилизация (сафарбарлик) бўйича, Туркистонда доимий ҳам муваққат суратда яшовчи 20 ёшдан 40 ёшга қадар бўлган Русия шўролари қўшма жумҳурияларининг ҳар бир фуқароси аскарликка чақирилиши, меҳнаткашлар синфига мансуб одамлар илпчи ва деҳқон қизил армияси сафларига қабул қилиниши, аммо бойлар синфига мансуб бўлганлар урушдан талқаридаги ишларга олиниши, агарда чақирилувчи бир одамнинг меҳнаткашлар синфига мансуб ёки мансуб эмаслиги ҳақида шубҳа пайдо бўлса, бу масала касаба иттифоқларининг шўроси орқали ҳал қилиниши ҳақида хабарлар берилган. Шунингдек ушбу мақолада ҳарбий хизматдан кимлар озод бўлиши мумкинлиги, хизматининг муддати 12 ой эканлиги маълумот сифатида келтирилган”²⁰.

“Иштирокиюн”нинг 1919 йил 4 ноябрь сонида таниқли ўзбек тараққийпарвари Абдулла Қодирий эълон қилган “Бизда аскарлик масаласи” номли мақоласида “Бошқалар тарафиндан топталмаслик,

¹⁹ Мухторият ҳукуматининг аскари // Улуғ Туркистон. 54-сон. 1918 йил 21 январь.

²⁰ Туркистон жумҳуриятида сафарбарлик эълон қилув тариқида аскарликка чақирув ҳақида // Иштирокиюн. 104-сон. 1919 йил 24 май.

четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз қарашини эшиттирув, эшитмоққа мажбур этувга шубҳа йўқким, қўлдаги қуролга, аскарний кучга қараб бўлур. Қўраимизким, Оврўпо, Амриқо миллатлари бунчалик шон-шавкатга фақат ҳарбий куч ила қилмишлардир... Истиқлол олиб аскарсиз бошламоқ бутунлай мумкин эмас. Мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас. Мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб, аскарликни бошқалар қилмаякка, бу мумкин эмас. Агар биз мустақил яптарни ҳавас этарканмиз яқин истиқболимиздаги яқин кунлар учун аскар ёлларимиз, ватан муҳофазасига ҳозирланувимиз лозимдир”²¹, – деб ёзади. Миллий армия масаласи нафақат ҳарбий соҳа вакиллари ҳамда миллий раҳбарларнинг, балки кўзга кўринган адабиёт вакилларининг ҳам диққат марказида бўлди.

Туркистондаги ҳарбий масала ва совет ҳокимиятининг бу борада юритган сиёсати ҳар бир даврий матбуот нашрларида турлича ёндашувлар асосида талқин ва таҳлил этилган. “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларида большевикларнинг ҳарбий масалада юритган сиёсати ва маҳаллий аҳолининг бу сиёсатга муносабати совет мафқурасидан холи ёзилган бўлса, “Иштирокиюн” газетаси саҳифаларида ушбу мавзуга алоқадор аксарият мақолаларга аксинча, совет мафқураси асосида ёндашилган.

Туркистонда миллий ҳарбий мактаблар ташкил этиш ва уларни ташкил этишдаги ижтимоий-иқтисодий камчиликлар ҳарбий мактаблардаги ўқув жараёни ҳам даврий матбуот нашрлари эътиборидан четда қолмади. Айниқса, “Иштирокиюн”, “Туркистон” (кейинчалик “Қизил Ўзбекистон” номи билан чиқа бошлаган) каби газеталарда бу масалаларга катта ўрин берилди. “Иштирокиюн” газетасида ёзилишича, Тошкентда Ленин номига очилган аскарний инструкторлар мактабига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган эраклардан аризалар қабул қилинаётганлиги, мактабнинг ҳарбий-техника шўъбасида 16 турдаги (тактик топография, фортификация (ҳарбий инженерлик, артиллерия, устав, пулемёт ҳақида маълумот, админстрация, маҳаллий гранаталар ҳақида маълумот, отув амаллари, от устида юриш, от устида турли ўйинлар, пиёда саф тортиш ва гимнастика, штикли милтиққа ўрганув, инженерлик ишлари, аскарний телеграф, юргазув машиналари, аскар кўчирув ишлари, ёзув ва иш юритиш амаллари), ижтимоий ва сиёсий

²¹ Бизда аскарлик масаласи // Иштирок июн. 1919 йил 4 ноябрь.

шўъбада эса 19 турдаги дарслар ўтилиши ҳақида маълумотлар келтирилган²².

1918 йил 20 апрель – 1 майда Тошкентда бўлган Туркистон ишчи, солдат, крестьян, мусулмон ва деҳқон депутатларининг V ўлка съездида Туркистонда совет автоном республика тузилганлиги эълон қилиниб, Туркистон АССРда миллий қўмондонлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган ҳарбий мактаблар ва курслар, уларга маҳаллий аҳоли вакиллари қабул қилиш жараёни, курсда қатнашаётганларнинг ижтимоий аҳоли, ушбу ҳарбий мактаблар, курслардаги мавжуд камчиликлар “Туркистон” газетасида чоп этилган туркум мақолаларда қайд қилинган. Жумладан, Э.Раҳмоновнинг “Миллий қўмондонлар курси”²³, А.Бобожоновнинг “Туркистон миллий қўмондонлар курсининг очилиш маросими”²⁴, Москвадаги олий ҳарбий мактабни тамомлаб келиб, Ўрта Осиё миллий ҳарбий мактабининг раҳбари бўлган, маъшум 1938 йилларда М.Миршаропов, С.Охунов каби ўзбек ҳарбийларига нисбаган қўлланилган Сталин қатагонининг қурбони бўлган Ризо Ёқубов томонидан ёзилган “Ўрта Осиё миллий ҳарбий мактаби”²⁵ номли мақолада маҳаллий миллат вакиллари ҳам ҳарбий қўмондонлар курсига кенг жалб этиш тарғиб қилинган. Бу мавзудаги мақолаларни миллий матбуот нашрларининг кўплаб сонларида учратишимиз мумкин.

Туркистондаги миллий матбуот намуналаридаги маълумотлар 1917–1924-йилларда Туркистонда совет ҳокимияти олиб борган ҳарбий сиёсат ва дастлабки миллий ҳарбий мактаблар ҳамда кадрлар тарихини мукамал ўрганишни илмий-назарий жиҳатдан бойитади.

Эркин РАДЖАПОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси Тарих институти
катта илмий ходим-изланувчиси.

1925–1941-ЙИЛЛАРДА СУРХОН ВОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРИХНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ АҲАМИЯТИ

Ўтган асрнинг 20–30-йилларида Сурхон воҳаси тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишда вилоят марказидаги давлат архиви ҳамда туман давлат архив ҳужжатлари катта аҳамият касб этади. Айниқса, бу даврни ўрганиш борасида воҳанинг деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларини ривожлантириш мақсадида артеллар ташкил этиш ва саноат ишлаб чиқаришига доир ҳужжатлар 5, 15, 86, 212, 248, 258, 261, 322 жамғарма ишларида жамлангани диққатга сазовордир. Мазкур ҳужжатларда воҳада ташкил этилган артелларнинг иш услуби ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, хунармандчилик кооперацияларини ташкил этиш масалалари ҳақида батафсил маълумотлар қайд этилган. Хусусан, 1926 йилдан Термиз шаҳрида 1926 йил 5 апрелда “Кожевник”, “Хуршид” номли кўнчилик ва қурилиш, 12 апрелда “Красные женщины Востока” номли қурилиш, 11 майда “Красный строитель”¹ номли қурилиш, 1930 йилда “Прогресс,”² номли кўп тармоқли, “Восход” номли озиқ-овқат, 1934 йилда “Қизил Туячи”³ номли от-арава транспорти, 1939 йил 15 ноябрда “Утильпереработка”⁴ номли чиқиндини қайта ишлаш, 1940 йилда “Родина”, 1941 йил апрелда “Пограничник”⁵ номли кўп тармоқли қурилиш артели, “Оқтош” номли тузни қайта ишлаб чиқариш хунармандчилик артеллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши воҳа иқтисодиётида артеллар фаолияти ва ишлаб чиқариш қай йўсинда ташкил этилганига гувоҳлик беради.

Шунингдек, воҳада молиявий муассасалар фаолиятига доир ҳужжатлар ҳам архив жамғармаларида қайд этилган. Сурхондарё вилояти давлат архив ҳужжатлари таркибида воҳа иқтисодиётида банклар фаолияти ва унинг турли соҳалари, айниқса, қишлоқ хўжалик ислоҳотида

²² Эълон //Ишгирик июн. 69-сон. 1919 йил 13 февраль.

²³ Раҳмонов Э. Миллий қўмондонлар курси //Туркистон. 215-сон. 1924 йил 3 январь.

²⁴ Бобожонов А. Туркистон миллий қўмондонлар курсининг очилиш маросими //Туркистон. 304-сон. 1924 йил 8 июль.

²⁵ Ёқубов Р. Ўрта Осиё миллий ҳарбий мактаби //Туркистон. 376-сон. 1924 йил 19 октябрь.

¹ Сурхондарё вилояти давлат архиви, 261-жамғарма, 1-рўйхат, 38-иш, 17-варақ.

² Уша манба. 261-жамғарма, 1-рўйхат, 9-иш, 3-варақ.

³ Уша манба. 261-жамғарма, 1-рўйхат, 16-иш, 168-варақ.

⁴ Уша манба. 261-жамғарма, 1-рўйхат, 26-иш, 475-варақ.

⁵ Уша манба. 322-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 332-333 варақлар.